

«XALQ SUG`URTA»  
акциядорлик жамияти  
Ягона Муассисининг  
2022 йил «04» февральдаги  
2-сонли қарори билан  
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

---

**2-илова**

**«XALQ SUG`URTA» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТҮҒРИСИДА  
НИЗОМИ**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «XALQ SUG`URTA» акциядорлар жамияти (бундан бүён матнда - Жамият) акциядорлари умумий йиғилишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда «XALQ SUG`URTA» акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молиявий йил тамом бўлгандан кейин иккинчи чоракда олти ойдан кечиктиримай ўтказилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йилнинг июнь ойи охирги жума куни ўтказилади. Бунда кузатув кенгаши йиғилишнинг ушбу санасидан олдин келувчи санани тайинлаши мумкин.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қўйидаги масалалар ҳал этилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- тафтиш комиссиясини (Тафтишчини) сайлаш;
- Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини ўзайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисобот;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;
- фойда ва заарларини тақсимлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хulosаларини эшитиш.

Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган ҳисоботлари маъруза сифатида тақдим этилади ва Жамиятнинг ҳисбот давридаги эришган натижалари таҳлили, Жамият белгилаган мақсадларига эришишга тўсқинлик

қилувчи омиллар таҳлили, шунингдек, Жамиятнинг тасдиқланган ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралари ва корпоратив бошқарув нормаларига риоя этиш таҳлилидан иборат бўлади.

1.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

1.8. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси ва тартиби, уни ўтказиш тўғрисида акциядорларга маълум қилиш шакли, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида акциядорларга тақдим этиладиган материаллар (ахборот) рўйхати Жамият кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

1.9. Бошқарув органлари барча акциядорларга нисбатан уларга тегишли улушлар, даромади даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва жамоадаги ўрнидан қатъи назар, teng муносабат таъминлаб беради.

## **II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

2.1 Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
  - эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
  - Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;
  - Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини тайинлаш ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нарҳини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Жамият томонидан йирик битимлар, яъни бунда баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қилиш;
- мажбурий аудиторлик текшируванині үтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонунчиликка мувоғиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

### **ІІІ. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ҮТКАЗИШ**

3.1. Акциядорлар умумий йиғилишини үтказиш кунигача уч иш кунида шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

3.2. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар фақат реестр тузилган санада кўрсатиб ўтилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларитикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган хато тузатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишига Жамият аудитори, Жамият кузатув кенгаши ва ижро этувчи органлари аъзолари, жамият тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи) таклиф этилиши мумкин (Кузатув кенгашини ва Жамият назорат органларини сайлаш бўйича овоз бериш бюллетенига киритилган номзодларни, шунингдек Жамият ижро этувчи органи раҳбари ва аъзоларини тайинлаш бўйича кўрсатиб ўтилган шахсларни ҳам таклиф этиш тавсия этилади).

3.4. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.5. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан үтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.

3.6. Юридик шахс раҳбари – Жамият акциядори умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳукуқий хужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи хужжат асосида амалга оширади.

3.7. Акциядор – юридик шахснинг вакили акциядорлар умумий йиғилишида ташкилот раҳбарининг имзоси билан ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси қўйилган, ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.8. Жамият акциядорлари реестрига биноан 1-иловага мувофиқ шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади.

Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.9. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо қўядилар ва Жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини (2-илова) оладилар.

3.10. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учуновоз беришга бюллетенъ берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «\_\_\_\_\_та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича ««да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исмикўрсатилади.

3.11. Акцияларнинг номинал эгаси акциядорлар умумий йиғилишида акциялар эгаси билантузилган шартномага мувофиқ қатнашади.

3.12. Агар Жамият акциялари бир неча шахсларнинг умумий улушли мулкида бўлса, у ҳолда акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш бўйича ваколат уларнинг хоҳиши бўйича умумий улушли мулк қатнашчиларидан бири томонидан ёхуд уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслардан ҳар бирининг ваколати зарур тарзда расмийлаштирилиши керак.

3.13. Агар акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмаса, уларга электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда), шунингдек ўз ваколатларини вакилига топшириш орқали овоз бериш имконияти ва шароитлари тақдим этилади ёки умумий йиғилиш видеокоференцалоқа режимида ўтказилади.

3.14. Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициялари учун акциядорлик битимларини тузиш ҳукуқига эга.

#### IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ

## **ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

4.1. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришни Кузатув кенгаши амалга оширади. Кузатув кенгаши қуидагиларни белгилайди:

- Акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказиладиган санаси, жойи ва вақти;
- Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби;
- Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун Жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;
- Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига маълум қилиш тартиби;
- Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим қилинадиган маълумотлар (материаллар) рўйхати;
- овоз бериш учун бюллетенning шакли ва матни;

4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорнинг талабига кўра Жамият акциядорга унинг акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун тузилган Жамият акциядорлари реестрига киритилганлигитўғрисидаги маълумотни тақдим этиши шарт.

4.3. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хаба хабарномада қуидагиларбўлиши керак:

- Жамиятнинг номи ва жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақти ва жойи;
- Жамият акциядорлари реестри тузилган сана;
- Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- акциядорларни Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар (материаллар) билан таништириш тартиби.

4.4. Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар (материаллар)га Жамиятнинг йиллик ҳисботи, Жамиятнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Жамият тафтиш комиссияси

(тафтишчи) ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, Бошқарув раиси билан тузилганшартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки шартномани бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида Жамият кузатув кенгаши хulosаси, Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчиларга), шунингдек Миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамият уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси.

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши шарт бўлган қўшимча маълумотлар (материаллар) рўйхати қимматли қофозлар бозоринитартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.5. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, кузатув кенгашининг кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотлар тақдим этилади.

4.6. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилиши кун тартибига доир таклифлар Жамиятнинг камидан бир фоиз овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан Жамият молиявий йили якунланганидан кейин 90 кундан кечикмай юборилади. Кўрсатиб ўтилган акциядорлар, шунингдек акциядорлар йиллик умумий йиғилиш кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамиятнинг кузатув кенгашига ва Жамият тафтиш комиссиясига(тафтишчига) номзодлар кўрсатишга ҳаклидир, уларнинг сони ушбу органлар сон таркибидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Миноритар акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар Жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига Миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига унинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар бўйича таклифлар киритишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясига ва Миноритар акциядорлар қўмитасига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

4.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Жамият кузатув кенгашига, тафтиш комиссиясига (тафтишчиларига) ва Миноритар акциядорлар қўмитасига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури

(агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда мазкур Низомнинг 4.6-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш хақида қарор қабул қилиши шарт.

4.9. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига, тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ва Миноритар акциядорлар қўмитасига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳолларбундан мустасно:

- мазкур Низомнинг 4.6-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг мазкур Низомнинг 4.6-бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- Жамиятнинг сайлов органларига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклиф қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.10. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки номзодни Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясига (тафтишчиига) ва Миноритар акциядорлар қўмитасига сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиш асосли равища рад этилиши тўғрисидаги қарори ушбу қабул қилинган кундан кейин уч кундан кечикмай масалани киритган ёки таклиф берган акциядор (акциядорлар)га юборилади.

4.11. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки Жамиятнинг номзодни кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига(тафтишчиига) сайловлар бўйича номзодлар рўйхатига киритиш рад этилиши тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

4.12. Акциядорларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Жамият сайтда ёзма ва электрон сўровлар, шу жумладан акциядорларнинг боғланиш маълумотлари ва банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборот жўнатиладиган манзилларни кўрсатган ҳолда акциядорлар учун Жамият билан алоқа ўрнатиш тартибини енгиллаштирумокда.

4.13. Жамият акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этган шахсга

шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетенъ нусхасини олиш имкони берилади.

## **V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИФИЛИШНИЙЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашиқарорига кўра қуидагилар асосида ўтказилади:

- унинг ўз ташаббуси билан;
- тафтиш комиссияси (тафтишчи) ёзма талабига кўра;
- ёзма талаб берилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан (б-иловага мувофиқ).

5.2. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг кузатув кенгаши томониданамалга оширилади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибида киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ифодаланиши керак.

5.4. Жамиятнинг кузатув кенгashi Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан чақирилаётган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибида киритиладиган масалалар ифодаланишига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

5.5. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядор (акциядорлар)дан чиқсан бўлса, унда йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган акциядор (акциядорлар)нинг исми (номи), унга тегишли акциялар сони, тури кўрсатилиши керак.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Жамият тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги талаби берилган санадан бошлаб ўн кун ичидаги жамият кузатув кенгashi томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг чақирилиши ёхуд

унингчақирилиши рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилиниши керак.

5.8. Жамият тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги талаби рад этилиши ҳақидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талаб берилган санада Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 фоизига эгалик қилмаса;

- Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган саволлардан ҳеч бири унинг ваколатига тегишли бўлмаса;

- кун тартибига киритиш учун таклиф қилинаётган масала қонун хужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ёки уни чақиришни асосли равишда рад этиш тўғрисидаги қарори уни чақиришни талаб қилувчи шахсларга ушбу қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.10. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

5.11. Агар Жамият тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) талаб қўйганидан сўнг 10 кун ичida Жамият кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинмаса ёки мазкур Низомнинг 5.8-бандида кўрсатилмаган сабаблар бўйича уни чақириш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинса, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилувчи шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Ушбу ҳолда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш харажатлари акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият маблағлари ҳисобига қопланиши мумкин.

5.12. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ тартибда чақирилади.

## VI. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган

акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Агар имтиёзли акциялар кун тартибининг фақат битта ёки бир нечта масалалари бўйича овоз берса, йиғилиш кворуми тақдим этилган оддий акциялар сонига қараб белгиланади, кўрсатилган масалалар бўйича овозларни санаш эса овоз берувчи оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган тақорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.4. Квorum бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хукуқигаэга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## VII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: раёсат, саноқ комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрлисабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Кузатув кенгashi раиси йиғилиш жараёнiga раҳбарлик қилади, умумий йиғилиш ишчи органлари ҳаракатларини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентига риоя этишни назорат қилади, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.4. Овозларни ҳисоблаб чиқиш, Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенлар бериш учун Жамият Кузатув кенгashi томонидан сони ва шахсий таркибини Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлайдиган саноқ комиссияси ташкил этилади. Бунда саноқ комиссиясига амалий ёрдам кўрсатиш ёки унинг функцияларини бажариш учун кузатув кенгashi қарорига кўра мустақил эксперtlар жалб этилиши мумкин.

7.5. Саноқ комиссияси таркиби уч кишидан кам бўлмаслиги лозим. Саноқ комиссиясига Жамият кузатув кенгashi аъзолари, Жамият тафтиш комиссияси аъзолари, коллегиал ижро этувчи орган аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи, шунингдек номзодлар томонидан ушбу

лавозимларга кўрсатиладиган шахслар кириши мумкин эмас.

7.6. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг бир овоз берувчи акцияси - бир овоз» тамойили бўйича амалга оширилади (Жамият кузатув кенгashi аъзолари сайловлари бўйича номзодлар сонига қараб, қанча бўлса шунча овоз берилган ҳоллар ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно).

7.7. Овоз бериш бюллетенлари орқали амалга ошириладиган овоз беришда овозлар овоз берувчиларга овоз беришнинг эҳтимол тутилган варианларидан фақат биттаси қолдирилган масалалар бўйича ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган талаб бузилган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ундаги мавжуд масалалар бўйича овозлар ҳисобланмайди.

7.8. Агар овоз бериш бюллетенида овоз беришга қўйилган бир неча масала мавжуд бўлса, мазкур Низомнинг 7.7-бандида келтирилган талаб бир ёки бир неча масалага нисбатан риоя қилинmasлиги овоз бериш бюллетенининг умуман ҳақиқий эмас деб тан олинишига олиб келмайди.

7.9. Саноқ комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан саноқ комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади.

7.10. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида саноқкомиссияси кузатув кенгашининг топшириғига кўра қуидаги функцияларни амалга оширади:

- акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;
- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

7.11. Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг олдинги умумий йиғилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси қуидаги функцияларни амалга оширади:

- умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатданутказади;
- ишончномалар ва улар томонидан бериладиган хуқуқлар ҳисобини юритади;
- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти(материаллари)ни беради;
- акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини белгилайди.

7.12. Таркиби бўлиб ўтаётган акциядорлар умумий йиғилиши давомида тасдиқланган саноқ комиссияси:

- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;

- овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини тъминлайди;

- овозларни санайди ва овоз бериш якунларини чиқаради;

- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;

- овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

7.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудиова видео ёзилиши амалга оширилишига ҳамда Интернет тармоғида узатилишига рухсат беришга ҳақли.

7.14. Акциядор ёки унинг вакили ёзма талабига кўра, Жамият у овоз бериш учун тўлдирган бюллетенъ нусхасини унга тақдим этиши шарт. Бунда Жамият ушбу ҳужжатни тақдим этганлик учун бюллетенъ нусхасини тайёрлаш харажатлари қийматидан ошмайдиган тўловни ҳамда ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатларни қоплашни талаб этишига ҳақли.

### **VIII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ**

8.1. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби (регламенти) акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланади.

8.2. Кузатув кенгаши раиси умумий йиғилишнинг саноқ комиссиясини, раёсатини ва котибини (котибиятини) сайлашни таклиф этади. Шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилиши аудио ва видео тарзда ёзилиши ҳамда Интернет тармоғида узатилишига рухсат бериш ваколатига эга.

8.3. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби (регламенти) йиғилишнинг бошланиши ва тахминий якунланиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибининазарда тутади.

8.4. Йиғилиш давомида юзага келувчи жорий масалаларни раис муҳокама қилинаётган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишида бош тамойилдан: ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиши

хуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб яккабошчилик билан ҳал этилади.

8.5. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма талабномаберадилар.

8.6. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилинганидан ва овоз берниш якунлари эълон қилинганидан сўнг раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласди.

## **IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ**

9.1 Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмасдан икки нусхада тузилади.

9.2 Умумий йиғилиш котибиятининг сон ва шахсий таркиби Кузатув кенгалини таклифига кўра акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

9.3 Котибият таркибидаги шахсларга нисбатан мазкур Низомнинг 7.5-бандига мувофиқ саноқ комиссияси аъзоларини тайинлашга қўйиладиган талабларга ўхшаш талаблар қўйилади.

9.4 Умумий йиғилиш котибияти:

- умумий йиғилишнинг боришини баённомага қайд этиб боради;
- ёзма талабномалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;
- умумий йиғилиш якунланганидан сўнг 10 кундан кечикмай акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини икки нусхада тузади.
- Акциядорлар умумий йиғилиши баённомасида:
- акциядорлар умумий йиғилиши ўtkaziladiganchasini, vaqtini va joyini;
- Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилгановозларнинг умумий сони;
- йиғилишда қатнашган акциядорлар эгалик қилган овозлар сони;
- йиғилиш раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;
- нутқларнинг асосий мазмуни, овоз беришга қўйилган масалалар, овоз беришякунлари ва умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

9.5 Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

9.6 Баённома умумий йиғилиш баённомасига тикиб қўйилиши керак.

9.7 Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан кейин саноқ комиссияси йиғилиш хужжатларини, шу жумладан умумий йиғилишнинг рўйхатдан ўтиш рўйхатини, саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланган муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш

якунлари түғрисидаги баённомаларни ва акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини сақлаш учун Жамият архивига топширади.

## **X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ**

10.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баённомада акс эттирилмаган бўлса, Жамият кузатув кенгаши амалга оширади.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда қатнашган ва қатнашмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

«XALQ SUG`URTA» АЖ  
акциядорлик умумий йиғилиши  
түғрисидаги Низомга  
1-илова

**«XALQ SUG`URTA» акциядорлик жамияти акциядорларининг  
(хисоботли, навбатдан ташқари) \_\_\_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да  
ўтказиладиган Умумий йиғилишининг  
ҚАЙД ҚИЛИШ РЎЙХАТИ**

№ т/р	Акциядорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Шахсий хисоб рақами	Овоз берувчи акциялар сони	Акцияд ор имзоси	(вакил мавжуд бўлганда тўлдирилади)				
					Вакил фамилияси, исми, отасининг исми	Ишончнома рақами	Ишончн ома берилган сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакил имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

«XALQ SUG`URTA» АЖ  
акциядорлик умумий йиғилиши  
тұғрисидаги Низомга  
2-илова

**Акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий  
йиғилишида овоз бериш учун «XALQ SUG`URTA» АЖнинг  
та  
овоз берувчи акцияларига әгалик қилувчи акциядорининг  
-сонли БЮЛЛЕТЕНИ**

(овозлар сони)

№	Кун тартибидаги масала	Тарафдорлар	Каршилар	Бетарафлар
1.				
2.				
3.				
4.				

Фамилияси, исми ва отасининг исмининг  
бош  
харфлари (имзо)

---

\* Қайд этиш рүйхати бүйича акциядорнинг рақами күрсатилади.

«XALQ SUG`URTA» АЖ  
акциядорлик умумий йиғилиши  
тұғрисидаги Низомга  
3-илова

«XALQ SUG`URTA» АЖ

**Акциядор \_\_\_\_\_ нинг  
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш  
хақидағи талаби**

Талабнинг мазмуні (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши  
чақирилишининг сабаби)

---

---

Жами акциялар сони  
шу жумладан  
овоз берувчи акциялар сони \_\_\_\_\_ та («XALQ SUG`URTA»  
АЖ жами овоз берувчи акцияларининг камида 10 фоизи)

Ф. И. О. \_\_\_\_\_  
(имзо, сана)

**Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тугатиш учун  
акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини  
үтказишни ташкил этиш  
ТАРТИБИ**

1. Мазкур Тартиб акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш, акциядорлик жамиятининг жорий фаолиятини ваколатсиз ва инсофсиз бошқариш сабабли уларнинг манбаатларига заар етказилиш хавфини олдини олиш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам күрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида» ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқылган.

2. Кузатув кенгаши фаолиятини муддатидан олдин тугатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш учун қуйидагилар асосбўлади:

- Жамият тафтиш комиссияси ёки аудиторнинг талаби;
- Талаб қўйилаётган вақтда Жамиятнинг камида 10 (ўн) фоизи микдорида овоз берувчи акцияси эгаси хисобланган акциядор (акциядорлар)нинг талаби.

3. Кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини үтказиш тұғрисидаги талабларнинг сабаби қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, Уставга, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;
- Жамиятга зарар келтирғанлик, акциядорларнинг мулкий ҳуқуқларига зиён етказиш, шу жумладан ишлаб чиқариш молия-хўжалик фаолиятининг жиддий ёмонлашуви, фойда ва рентабелликнинг пасайиши, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг асоссиз равишида камайиб кетиши билан боғлиқ зиён етказганлик;
- Жамиятнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлиш хавфи, давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар олдидағи ва ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича барқарор қарздорлик.

4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини үтказиш тұғрисидаги талаб кузатув кенгашига берилади ва унда аниқ сабаблар ҳамда уларнинг асослилиги кўрсатилган ҳолда йиғилишнинг кун тартибига

киритилиши керак бўлган масалалар бўлиши лозим.

5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабномада кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масаладанташқари кун тартибига кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиш юзасидан алоҳида таклиф бўлиши керак.

6. Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш масалаларини йиғилиш кун тартибига киритиш амалдаги кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масала ижобий ҳал этилгандан сўнггина умумий йиғилишда амалга оширилади.

7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома акциядор (акциядорлар)дан тушган ҳолларда унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган ҳолда йиғилиш чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) бўлиши керак.

8. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома уни чақиришни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

9. Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибигамасалалар ифодаланишига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талабнома тақдим этилган пайтдан бошлаб кечи билан ўттиз кундан сўнг уни чақиришни таъминлашга ёки 10 кун давомида уни чақиришнирад этиш тўғрисида асосли жавоб беришга мажбурдир.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги кузатув кенгаши қарори ёки асосли равишдаги рад жавоби тўғрисидаги қарор у олинган пайтдан бошлаб кечи билан уч кунда уни чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

10. Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Агар белгиланган муддатлар давомида кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинмаган ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилаётган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

«XALQ SUG`URTA» АЖ  
акциядорлик умумий йиғилиши  
түғрисидаги Низомга  
5-илова

**«XALQ SUG`URTA» акциядорлик жамиятининг акциядорларнинг  
умумий йиғилишида овоз бериш  
ТАРТИБИ**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1 Мазкур «XALQ SUG`URTA» акциядорлик жамиятининг акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш тұғрисида» ги Тартиб (кейинги ўринларда – Тартиб деб аталади) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун деб аталади), Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари, «XALQ SUG`URTA» Акциядорлик жамиятининг Устави (кейинги ўринларда – Устав деб аталади) ва Жамиятнинг бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилған.

1.2 Мазкур Тартиб акциядорларнинг умумий йиғилишининг ишчи органларини сайлаш, акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиш регламенти ва акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш тартибини тасдиқлаш бўйича Жамият акциядорларининг овоз бериш тартибини белгилайди.

1.3 Мазкур Тартиб акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ва Жамият акциядорларини овоз бериш тартиби тұғрисида хабардор қилиш орқали Жамиятни бошқаришда акциядорларнинг иштирок этиш хуқуқини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилған.

1.4 Мазкур Тартиб Жамиятнинг акциядорларига ва уларнинг вакилларига, шунингдек Жамиятнинг саноқ комиссияси аъзоларига нисбатан қўлланилади.

## **II. ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШНИНГ УМУМИЙ ТАРТИБИ**

2.1 Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни үтказиш ҳоллари бундан мустасно.

2.2 Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган санадан уч иш қуни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

2.3 Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

2.4 Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тұғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган

бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

2.5 Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

2.6 Агар жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

2.7 Жамиятнинг ижроия органи аъзолари ишончнома асосида акциядорларнинг вакиллари сифатида иштирок этишлари мумкин.

2.8 Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга:

- Жамиятнинг оддий акцияларининг эгалари бўлган акциядорлар;
- Конун, Жамият Устави ва мазкур Тартибда белгиланган ҳолларда Жамиятнинг имтиёзли акцияларининг эгалари бўлган акциядорлар.

2.9 Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция Жамиятнинг овоз берувчи акцияси ҳисобланади.

2.10 Жамиятнинг имтиёзли акцияларининг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида қуидаги масалалар ҳал этилаётганида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этадилар:

- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш;
- Жамият Уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари.

2.11 Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендер тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендерни тўлиқ тўламаслик

тұғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивиденdlар биринчи марта тўлиқ микдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

2.12 Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнингумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан, шунингдек агар жамият уставида имтиёзли акцияларни оддий акцияларга айирбошлиш мумкинлиги ва Жамиятнинг оддий акцияларига айирбошланадиган имтиёзли акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бунда ушбу имтиёзли акциянинг эгаси ўзига тегишли имтиёзли акция айирбошланиши мумкин бўлган оддий акциялар бўйича овозлар сонидан ошиб кетмайдиган микдордаги овозларга эга бўлади.

2.13 Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан олинган акциялар Жамиятнинг тасарруфига ўтади. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди ва овозларни санаб чиқища ҳисобга олинмайди.

2.14 Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлар (уларнинг вакиллари) қўйидаги масалалар бўйича овоз берадилар:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ишчи органларини сайлаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш регламенти (тартиби)ни тасдиқлаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш тартибини тасдиқлаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

2.15 Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган саноқ комиссияси акциядорларга (уларнинг вакилларига) умумий йиғилишда овоз бериш ҳукуқларининг амалга оширилиши бўйича юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳукуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради.

2.16 Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ Жамият саноқ комиссиясига амалий кўмаклашиш ёки унинг вазифаларини бажариш (инвестиция маслаҳатчиси ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари) мақсадида мустакил экспертларни жалб қилишга ҳақли.

2.17 Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ Жамиятнинг акциядорлари, шу жумладан, миноритар акциядорлар,

акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришда биргалиқдаги позициясини шакллантириш мақсадида акциядорлик келишувларини тузишга ҳақли. Акциядорлик келишувларини тузиш тартиби амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

2.18 Бошқа хўжалик жамиятларига қўшиб юбориш орқали Жамият қайта ташкил этилганда қўшиб юборишда иштирок этаётган жамиятлар акциядорларининг (иштирокчиларининг) қўшма умумий йиғилишида Жамият акциядорларининг овоз бериш тартиби юридик шахсларни қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада белгиланди.

2.19 Бошқа хўжалик жамиятига қўшиб олиш орқали Жамият қайта ташкил этилганда жамиятлар акциядорларининг (иштирокчиларининг) қўшма умумий йиғилишида Жамият акциядорларининг овоз бериш тартиби юридик шахсларни қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада белгиланди.

2.20 Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар ва овозбериш натижалари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали Қонунда, норматив-хукукий ҳужжатларда ва Жамият Уставида белгиланган тартибда ва муддатда акциядорлар эътиборига етказилади.

2.21 Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

2.22 Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этган шахсга Жамият у томонидан тўлдирилган бюллетеннинг кў chirma нусхаларини ушбу шахс ҳисобига олиш имконини беради. Бюллетеннинг кў chirma нусхалари саноқ комиссияси томонидан тасдиқланади.

### **III. ИШЧИ ОРГАНЛАРНИ САЙЛАШ, АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ РЕГЛАМАНТИ ВА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТАСДИҚЛАШДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ**

3.1 Акциядорларнинг умумий йиғилишининг раёсати, раиси, котиби (ёки котибият) ва саноқ комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишининг ишчи органлари ҳисобланади.

3.2 Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ишчи органларини сайлаш қўл кўтариш (очик овоз бериш) йўли билан амалга оширилади.

3.3 Акциядорларнинг умумий йиғилишининг регламенти ва овоз бериш тартибини тасдиқлаш очик овоз бериш йўли (қўл кўтариш) билан амалга оширилади.

3.4 Саноқ комиссияси аъзоларини сайлаш очик овоз бериш йўли (қўл кўтариш) билан амалга оширилади.

3.5 Сайлаш фақат Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан олдиндан тасдиқланган саноқ комиссияси аъзолигига номзодлар бўйичагина амалга оширилиши мумкин.

3.6 Сайлов Саноқ комиссияси аъзоларининг ҳар бири бўйича алоҳида амалга оширилади.

3.7 Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ишчи органларини сайлаш тўғрисидаги қарор умумий йиғилишда ҳозир бўлган акциядорларнинг (уларнинг вакилларининг) оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

#### **IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА КУН ТАРТИБИМАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ**

4.1 Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари (махфий овоз бериш) орқали амалга оширилади. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда овоз бериш алоҳида бюллетенда амалга оширилади.

4.2 Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно.

4.3 Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

4.4 Бюллетенни тўлдиришда қўйидаги шартларга риоя қилиш зарур.

4.5 Бюллетен шарикли ручкада тартиблилик билан тўлдирилиши шарт.

4.6 Овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича акциядор (унинг вакили) «ёқлайман» , «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини танлайди.

4.7 Бюллетенъ тўлдирилаётганда ўчириш ва бўяшга йўл қўйилмайди.

4.8 Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади.

4.9 Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

4.10 Агар овоз бериш бюллетени овозга қўйилган бир неча масалалардан иборат бўлса, бир ёки бир неча масалалар юзасидан мазкур Тартибининг 41-банди талабларига риоя қилмаслик овоз бериш бюллетенини бутунлайҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмайди.

4.11 Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала қўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур Тартибининг 41-бандида қўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

4.12 Тўлдирилган бюллетенъ акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши шарт. Акциядор (унинг вакили)нинг имзоси мавжуд бўлмаган бюллетенъ ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

4.13 Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ акциядор (унинг вакили)нинг талабига кўра Жамият ушбу шахс ҳисобидан бюллетеннинг кўчирма нусхаларини тақдим этади. Бюлленнинг кўчирма нусхаси саноқ комиссияси раисининг имзоси билан тасдиқланади.

## **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ**

5.1 Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

5.2 Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланниши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

5.3 Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгашининг таркибиға сайланган деб ҳисобланади

5.4 Кумулятив овоз беришда овозга қўйилган масала бюллетенда «Ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланади.

5.5 «Ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланган қаторда овоз беришга киритилган Кузатув кенгаш аъзосига номзодлар бўйича ва акциядор (унинг вакили) ўзининг кумулятив овозини беришни хоҳлайдиган номзодлар бўйича тегишли овозлар сони рақамларда қўйилади.

5.6 Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ Кузатув кенгashi таркибиға мустақил аъзолар сайланади.

5.7 Бунда акциядор унга тегишли бўлган кумулятив овозларнинг умумий миқдоридан Кузатув кенгashi мустақил аъзоларини сайлаш учун 1/3 овоздан кам бўлмаган қисмини ажратиб олиши ва битта Кузатув кенгashi мустақил аъзосига бериши ёки бир неча аъзоларига беришга ҳақли.

5.8 Жамият акциядорлари номидан қўрсатилган номзодлар ва мустақилномзодлар учун берилган кумулятив овозларнинг умумий миқдори акциядорга тегишли кумулятив овозларнинг умумий миқдоридан ошмаслиги лозим.

## **VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА КУН ТАРТИБИ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА ОВОЗ БЕРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

6.1 Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бүйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.2 Битимда аффилланган шахс ҳисобланган Жамият акциядори (унинг вакили) жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият томонидан мазкур аффилланган шахс ёки мазкур аффилланган шахс манфаатида битим тузиш юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

6.3 Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим айни вир вақтда йирик битим бўлса, Битимда аффилланган шахс ҳисобланган Жамият акциядори (унинг вакили) жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият томонидан йирик битим тузиш юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

6.4 Акциядорларнинг вакили ҳисобланган Жамиятнинг ижроия органи аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ижроия органи аъзоларини сайлаш масалалари юзасидан овоз беришга ҳақли эмас.

6.5 Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки ижроия органи аъзоларига тегишли акциялар Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлашда овоз беришда иштирок этмайди.

6.6 Солиқка оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидағи (устав капиталидағи) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда давлат вакиллари мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмайди.

## **VII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ (УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИНГ) МАСОФАВИЙ ТАРЗДА ИШТИРОК ЭТИШ ВА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ**

7.1 Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва кун тартиби масалалари бўйича масофавий тарзда овоз бериш имкониятини

яратади.

Бунда акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорнинг масофавий тарзда иштирок этиши конференц-алоқа ёки видеоконференц алоқа орқали ташкил этилиши таъминланади.

7.2 Акциядорнинг овоз бериши электрон бюллетенни тўлдириш орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ва саноқ комиссияси томонидан овоз бериш якунлари чиқарилгунга қадар электрон почтадан юбориш орқали амалга оширилади.

## VIII. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ

8.1 Жамият корпоратив веб-сайтида қуидагиларни жойлаштиради:

- Мазкур Тартиб, шунингдек унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, тегишли қарор қабул қилинган Акциядорлар умумий йиғилиши баённомасининг имзолангандан кейинги 5 (беш) иш кунида;

- акциядорларнинг вакили бўлган жисмоний шахслар учун ишончнома шакли;

- акциядорларнинг вакили бўлган юридик шахслар учун ишончнома шакли;

- акциядорлик келишувининг намунаси;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларнинг масофавий тарзда иштирок этиши ва овоз бериш тартиби;

8.2 Конун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш якунлари, қабул қилинган қарорлар.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1 Мазкур Тартиб Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради. Уни тасдиқлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори мажлисда иштирок этган акциядорларнинг қўпчилик овози билан қабул қилинади.

9.2 Конунчиликка ўзгартириш киритилиши, Жамиятнинг Устави, ички ҳужжатларига ўзгартириш ва/ёки қўшимча киритилиши ва бошқа ҳолатларда мазкур Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.3 Мазкур Тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

9.4 Агар мазкур Тартибнинг алоҳида қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур Тартибга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар бу моддалар билан тартибга солинувчи масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормалари ва/ёки Жамият Уставига амал қилиниши лозим.